



Нобанк кредит ташкилотларининг молиявий ҳолати шарҳи *2022 йил I ярим йиллик*



Нобанк кредит ташкилотларининг молиявий ҳолати тўғрисида шарҳ

2022 йил 1 июль ҳолатига

Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги каби молиявий хизматлар бозорида ҳам рақобат шароитларини яхшилаш, молиявий хизматларни бозор тамойиллари асосида амалга оширишни кенгайтириш, молиявий хизматларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

I. Нобанк кредит ташкилотлари сони


Сўнгги беш йил давомида микрокредит ташкилотлари сони **44 тага**, ломбардлар сони эса **31 тага** ортиб, бугунги кунга келиб **74 та** микрокредит ташкилотлари ва **77 та** ломбардлар аҳоли ва тадбиркорларга микромолиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Худудлар қирқимида нобанк кредит ташкилотлари Тошкент шаҳрида **2 баробарга** (жами сони 66 та), Фарғона ва Бухоро вилоятларида **3 баробарга**, (мос равишда 20 та ва 14 та) ҳамда Тошкент вилоятида **1,5 баробарга** (сони 15 та) ўсган.

2021 йилнинг 1 июлидан буён нобанк кредит ташкилотлари бозорига янги иштирокчиларнинг – **8 та** микрокредит ташкилотини ҳамда уларнинг **25 та** филиал ва чакана хизматлар марказларини, **10 та** ломбарни кириб келиши ҳисобига нобанк кредит ташкилотларининг умумий сони ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти билан бирга **152 тага** етди.

1-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари сони



II. Нобанк кредит ташкилотларининг активлари


Нобанк кредит ташкилотлари активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2 баробарга** ортиб, 2022 йил 1 июль ҳолатига **3,5 трлн** сўмни ташкил этган. Активларнинг ўсишида кредитлаш операцияларининг 2,1 баробарга ошиши асосий омил бўлган.

Хусусан, **микрокредит ташкилотлари** активлари **60 фоизга** (605 млрд сўмга) ўсиб, **1 613 млрд** сўмга ва **ломбардлар** активлари **32 фоизга** ёки 58 млрд сўмга кўпайиб, **241 млрд** сўмга етган. Активлар ҳажмининг ўсиши асосан, микрокредит ташкилотларида кредитларнинг 531 млрд сўмга ва ломбардларда 45 млрд сўмга ошиши ҳисобига юзага келган.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти жами активлари **3 баробарга** (1 097 млрд сўмга) ўсган ҳолда **1 669 млрд** сўмни ташкил этган (бунда кредитлаш суръати 1 063 млрд сўмга ортган).


2-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари
активлари миқдори, млрд сўмда



3-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари
кредит қолдиғи, млрд сўмда



а) Нобанк кредит ташкилотларининг кредитлаш амалиёти


2022 йил январь-июнь ойларида микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган **микромолиявий хизматлар ҳажми** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **55 фоизга** ошиб, **2,1 трлн** сўм доирасида бўлган. 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига жами микромолиявий хизматлар қолдиғи (1,7 трлн сўм) **53 фоизга**, хусусан, **микрокредит ташкилотлари** кредит қўйилмалари қолдиғи (1 469 млрд сўм) 57 фоизга ва **ломбардлар** кредит қолдиғи (200 млрд сўм) 29 фоизга ўсган.

Ўз навбатида, **ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти** томонидан аҳолини уй-жойларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида тижорат банкларига ажратилган ресурслари қолдиғи 3 баробарга (1 063 млрд сўмга) ортиб, 1 523 млрд сўмга етган.

2022 йил 1 июль ҳолатига барча нобанк кредит ташкилотларининг **жами кредит қўйилмалари қолдиғи** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,1 баробарга** кўпайиб, **3,2 трлн** сўмни ёки умумий кредитлаш ҳажмидаги улуши **0,9 фоизни** ташкил этган.

4-чизма


Нобанк кредит ташкилотлари кредит қўйилмалари қолдиғи (млрд сўм)
ва умумий кредитлаш ҳажмидаги улуши



Нобанк кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган микроқарзлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 54 фоизга ортиб, **1 651 млрд** сўмга етган бўлса, тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредит қолдиғи 6 фоизга камайиб, **18 млрд** сўмни ташкил этган.

5-чизма


Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар қолдиғи, млрд сўмда



б) Нобанк кредит ташкилотларининг муаммоли кредитлари

2022 йил 1 июль ҳолатига нобанк кредит ташкилотлари кредит қўйилмаларининг **92 фоизи** “стандарт”, **4 фоизи** “субстандарт”, **1 фоизи** “шубҳали” ва **3 фоизи** “умидсиз” кредитлар сифатида таснифланган.

6-чизма




Ўтган йилларда коронакризис оқибатида юзага келган кредит хатарларининг нобанк кредит ташкилотлари молиявий ҳолатига бўлган салбий таъсирини камайтириш юзасидан кўрилган пруденциал чоралар ҳамда улар томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бўйича амалга оширилган ишлар натижасида муаммоли кредитлар (NPL 30+) улуши **3 фоиз бандга** камайиб, **8 фоизни** ёки **133 млрд** сўмни ташкил этган.

Хусусан, муаммоли кредитлар **микрокредит ташкилотларида** 53 фоиз ёки 50 млрд сўмга камайган бўлса (қолдиғи **57 млрд сўм**), **ломбардларда** 34 фоиз ёки 19 млрд сўмга ўсган (қолдиғи **75 млрд сўм**).


7-чизма

Микрокредит ташкилотлари муаммоли кредитлари ҳажми (млрд сўм) ва улуши



8-чизма

Ломбардлар муаммоли кредитлари ҳажми (млрд сўм) ва улуши



III. Нобанк кредит ташкилотларининг мажбуриятлари ва капитали


а) нобанк кредит ташкилотларининг жами мажбуриятлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,4 баробарга ошиб, 2,3 трлн сўмни ташкил этган.

Хусусан, **микрокредит ташкилотларида** 59 фоизга ошиб, 747 млрд сўмни, **ломбардларда** 9 фоизга камайиб, 22 млрд сўмни ташкил этган бўлса, **ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида** қарийб 3,3 баробарга ортгани ҳолда, 1 545 млрд сўмга етган.

Мажбуриятлар ўсишида жалб этилган маблағларнинг 2 баробарга (1 320 млрд сўмга) ошиши асосий омил бўлган.

Маълумот учун: Банклардан жалб этилган кредитлар микрокредит ташкилотларида 1,5 баробарга ортиб, 377 млрд сўмни, ломбардларда 1,1 баробарга ошиб, 6 млрд сўмни, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида 3,3 баробарга кўпайиб, 1 523 млрд сўмни ташкил этган. Шунингдек, микрокредит ташкилотлари томонидан халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар 6 баробарга ошиб, 61 млрд сўмни ташкил қилган.

б) микрокредит ташкилотларининг жами капитали 61 фоизга ва ломбардларда 38 фоизга ошиб, мос равишда 866 млрд сўм ҳамда 219 млрд сўмга етган бўлса, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида 17 фоизга кўпайиб, 124 млрд сўмни ташкил этган.



Нобанк кредит ташкилотлари жами капиталининг кўпайиши асосан устав капиталининг **114 млрд сўмга** ва тақсимланмаган фойдасининг **183 млрд сўмга** ошиши ҳисобига тўғри келган.

Маълумот учун: нобанк кредит ташкилотлари таркибида чет эл маблағлари иштирокидаги ташкилотлар сони 4 тага кўпайиб, 8 тага етган.

IV. Нобанк кредит ташкилотлари даромадлилиги

Нобанк кредит ташкилотлари томонидан олинган жами даромадлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **234 млрд** сўмга (58 фоизга) ошиб, **639 млрд** сўмни ташкил қилади. Хусусан, жами даромадлар таркибида фоизли даромадлар **88 фоиз** ёки **562 млрд** сўмни ташкил этиб, фоизли даромадлар ажратилган кредит ва лизинглардан олинган даромадлар (553 млрд сўм) ҳамда банкларга жойлаштирилган депозитлардан олинган даромадлар (9 млрд сўм) ҳисобига шаклланган.

Нобанк кредит ташкилотларининг жами харажатлари **130 млрд** сўмга (53 фоизга) кўпайиб, **375 млрд** сўмни ташкил этган. Жами харажатларнинг **43 фоизи** ёки **162 млрд** сўми фоизли харажатлар, уларнинг асосий қисми (120 млрд сўм) банклардан жалб этилган кредитлар бўйича харажатлардан иборат бўлган.

11-чизма

Даромадлар ва харажатлар таркиби	Жами (млрд сўм)	Микрокредит ташкилотлари	Ломбардлар	Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти
Фоизли даромадлар	561,8	389,5	77,9	94,4
Фоизли харажатлар	162,4	80,1	2,5	79,8
Фоизсиз даромадлар	77,4	56,2	20,7	0,5
Фоизсиз харажатлар	16,6	13,2	3,1	0,2
Бошқа харажатлар ¹	195,5	155,5	35,0	5,0
Соф фойда	264,7	196,9	57,9	10,0

Микрокредит ташкилотларининг соф фойдаси ўтган йилга нисбатан **76 фоизга** ортиб, уларнинг активлари ҳамда капиталининг рентабеллик даражаси мос равишда **12** ва **23 фоизни** ташкил қилган.


Шунингдек, **ломбардлар** активлари рентабеллиги даражаси 2021 йил йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришсиз, **24 фоизни** ва капитал рентабеллик даражаси эса 1,2 фоиз бандга камайиб, қарийб **27 фоизни ташкил этган**.

¹ Бошқа харажатлар таркибида операцион харажатлар, кредит ва лизинглар бўйича захиралар ҳамда солиқлар ҳисобга олинган.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг соф фойдаси ўтган йилга нисбатан **2 баробарга** ортган бўлсада, активлар рентабеллиги 0,3 фоиз бандга камайиб, **0,6 фоиз**, капиталнинг рентабеллик даражаси эса 3,4 фоиз бандга ошиб, **8 фоиз** доирасида шаклланган. Активлар даромадлилик даражасининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан камайиши ташкилот активларининг юқори суръатларда (3 баробарга) ўсиши ҳисобига юз берган.

12-чизма

**Нобанк кредит ташкилотлари
активлари рентабеллиги (ROA)**



13-чизма

**Нобанк кредит ташкилотлари
капитали рентабеллиги (ROE)**

